

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМУРОВА ГЎЗАЛ ҲОТАМОВНА**

**ЗУЛФИЯ ИЖОДИ ВА РУС АДАБИЁТИ**

**2 – КИТОБ**

**Зулфия лирикаси рус тилида**

**САМАРҚАНД - 2007**

**Зулфия лирикаси рус тилида (рисола) - Самарқанд: СамДУ нашри, 42 бет.**

**Шоира Зулфия лирик асарларининг таржимаси сирларини ва маҳоратини текшириш ғоятда долзарбдир. Айниқса, Зулфия ижоди ва рус адабиёти муаммосининг ўзаро алоқасини ўрганиш ва уларнинг бадиият қирраларини очиш - ўзбек-рус адабий алоқаларини бойитишга, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.**

**Шоира – асарларининг рус тилидаги таржималари ҳақида баҳс юритувчи ушбу рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.**

**Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор  
Баҳодир Саримсоқов**

**Тақризчилар: филология фанлари номзодлари, доцентлар  
С.Х.Ҳайитов, Р.Г.Назарьян**

## І БОБ

Бугунги кунда таржима муаммоларини кенг ёритишда Ўзбекистон олимларининг эстетик-илмий тажрибаси алоҳида диққатга сазовор. Жуманиёз Шариповнинг “Ўзбекистонда таржима тарихидан”, “Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар”, Ғайбулла Саломовнинг “Тил ва таржима”, “Таржима назариясига кириш”, “Таржима ташвишлари”, “Таржима назарияси асослари”, “Адабий анъана ва бадий таржима”, Ғ.Ғафурованинг “Ўзбекистонда таржима тараққиёти”, З.Умарбекованинг “Лермонтов ва ўзбек шеърляти”, Қ.Мусаевнинг “Бадий таржима ва нутқ маданияти”, шунингдек “Таржимон маҳорати” номли тўпламлар, А.Клименконинг “Дўстлик рамзи”, К.Жўраевнинг “Таржима санъати”, Н.Отажоновнинг “Бадий таржима ва илмий шарҳ” рисоалари, республика ва Россия матбуотида эълон қилинган бир неча салмоқдор мақолалар фикримизни қувватлайди. “Бадий таржима – дўстлик қуроли”, “Бадий таржиманинг актуал масалалари”, “Таржима назарияси масалалари”, мунтазам чоп этилаётган “Таржима санъати” мақолалар тўпламлари ҳам, истиқлол даврида ёқланган “Ҳ.Олимжоннинг таржимонлик маҳорати”, “Ўзбекистонда таржимашунослик илмининг тараққиёти” каби диссертациялар ҳам, “Таржима муаммолари” мақолалар тўпламига кирган тадқиқотлар ҳам таржима назариясини бойитаётганидан, таржимонлар маҳорати тадқиқининг чуқурлашаётганидан дарак беради<sup>1</sup>. Таржима танқидчилигининг янги босқичга кираётганини исботлайди.

Мазкур рисоламизда Зулфиянинг русчага ўгирилган асарларининг

---

<sup>1</sup> Ж.Шарипов. Русчадан ўзбекчага шеърлий таржиманинг баъзи масалалари. –Т., ЎзФА нашриёти, 1959. Ж.Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Т., “Фан”, 1965. Ж.Шарипов. “Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар”. –Т., “Фан”, 1972. Ғ.Саломов. Тил ва таржима. –Т., “Фан”, 1966. Ғ.Саломов. Таржима назариясига кириш, –Т., “Ўлгитувчи” нашриёти, 1978. Ғ.Саломов. Адабий анъана ва бадий таржима. “Фан” нашриёти. –Т., 1980. Ғ.Саломов. Таржима ташвишлари. –Т., “Фан”, нашриёти, 1983. Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. –Т., “Ўлгитувчи” нашриёти, 1983. З.Умарбекова. Лермонтов и узбекская поэзия. –Т., “Фан”, 1973. Ғ.Саломов, Н.Комилов, З.Саломова, С.Жўраев, Н.Отажонов. Таржимон маҳорати. –Т., “Фан”,

ютуқ ва камчиликларини умумлаштириш, шу аснода, умуман ўзбек ва рус адабий алоқаларининг адабиётларимиз ривожига таъсирини конкрет ўрганиш ётади. Имконият даражасида Зулфиянинг вафо, садоқат туйғулари юксак даражада мужассам бўлган лирик асарларининг таржималари мисолида бу нозик, асл туйғулар тасвирининг умумбашарий кудрати очилади. Бу кудратга асос ва омил бўлган асослар тадқиқ қилинади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларга бош диққат қаратилди:

- Зулфиянинг лирик асарларини рус тилига ўгирган Ю.Нейман, М.Алигер, Вл.Державин, С.Сомова каби таржимонларнинг ғоявий-бадий ютуқ ва камчиликларини умумлаштириш;
- Аслият муаллифи индивидуаллигининг таржимонга ва адабиётга таъсирини кўрсатиш;
- Ўзбек ва рус аёллари лирик қаҳрамонлари қалбининг тасвиридаги вафо ва садоқатнинг буюклигини ифодалаш, бойитиш даражасини кўрсатиш.

Тадқиқот Зулфия таржимонлик маҳорати ва шоира лирикасининг рус тилига қилинган таржималарини ўрганиш асосида ўзбек-рус адабиётларининг ўзаро бойитишини умумлаштиришга оид маълум назарий хулосаларни ойдинлаштиради, уни муайян даражада бойитади. Айти пайтда, Вафо ва Садоқат кечинмаларини поэтиклаштириш асосида одамларда шу туйғуларнинг камолотини таъминлашга, кенг маънода, комил инсонларни етиштириш маънавиятига амалий ёрдам беради.

Ундан таржимашунослик ва ўзбек–рус адабий алоқаларининг илмий тарихини яратишда, бадий адабиёт таълими мазмунини янада бойитишда, ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда, айниқса, маънавиятни, ахлоқни поклантириш амалиётида фойдаланиш мумкин.

## 1 – ФАСЛ. ШОИРА ШАХСИ ВА ШЕЪРИЯТ

Зулфия “тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин ҳақиқатга” (Миртемир) йўғрилган поэзияси билан қалбларни маҳлиё этган улкан шоирадир.

Чунки унинг ҳар бир шеъри – юракни туғёнга соладиган даражада оташин; курашга, яшашга чорловчи, ташвиш ва шодликларга тўла ажиб бир кўшиққа ўхшайди.

“Зулфиянинг шеърияти бой қалбнинг кечинмаларини ва хаёллари дунёсини акс эттиради. Ҳар бир он такрорланмас, ҳар бир сониянинг маъноси бошқа. Гераклит бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди, дейди. Бу – лаҳзалар ҳеч қачон такрорланмайди, дегани. Зулфия такрорланмас лаҳзаларнинг такрорланмас суратлари ва руҳини шеърда муҳраб колдиради. Шунинг учун унинг ҳар бир шеъри ўзи бир олам. Лаҳзаларнинг оламлари. Бир-бирига ўхшамаган ва доим ўзгариб турадиган оламлар”<sup>1</sup>.

“Таниқли рус шоираси Марина Цветаева: “Шеърият-энг кам сўз билан ифодалаш санъатидир” деб ёзган эди. Бошқирд шоири Муса Ғали эса ўз шеърларининг бирида шеъриятни софлик, қудрат ва жасорат деб атаган.

Зулфия қаламкаш дўстларининг шеърият ҳақидаги бу сўзларини шарҳлаб, “ҳақиқатдан ҳам жасорат йўқ жойда шеъриятни пайқамайдилар ҳам, қудрат йўқ жойда эса шеърият ҳам йўқдир. Шеъриятнинг ана шу фазилатлари ўзаро қаттиқ алоқадор, ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этади”, дейди. У шеъриятнинг мангу жозибача қудратини ана шу уч нарсада – софлик, қудрат ва жасоратда кўради”<sup>2</sup>.

Зулфия наздида лирика шоирдан жуда катта самимият ва меҳнатни талаб қилади. Ҳар бир шеърий асарнинг вужудга келишида юракнинг

<sup>1</sup> Ўзранг: Зулфия. Хаёллар, туйғулар... -Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 3-б.

<sup>2</sup> Зулфия. Адабий ўйлар. – Т., «Фан», 1985, 4-б.

иштироки ниҳоятда фаол бўлиб, у – шоир юраги – асарнинг ҳар бир хужайрасига қон ва жон бағишлаб туради. Шу билан бирга бу юрак, айти пайтда, кўпчиликнинг орзу ва интилишларини, дард ва изтиробларини ҳам ифодалай олиши, улар билан пайваста бўла олиши талаб этилади. Шундагина “туйғулар, ҳаётдан олинган таассурот ва тафаккурлар меваси” бўлган шеър, “чуқур фикрлар, ёниқ, самимий ҳислар фарзанди” бўлган шеър китобхоннинг қалбига кириб бориши, унга руҳий ва эстетик озик бериши, унинг қувонч ва илҳом манбаига айланиши мумкин”<sup>1</sup>. Зулфия эътирофича, лирикада юракнинг фаоллигидан ташқари, оҳангдорлик, муסיқийлик ҳам катта ўрин эгаллайди. Муסיқийлик ҳар қандай даврда яратилган лирик асарга, ҳар қандай халқнинг шеърлятига ҳам монанд бўлган. Чунончи, муסיқийлик – лириканинг муҳим омилларидан биридир. "Мен бу ҳақда шунинг учун сўзлаяпманки, - деб ёзади шоира, - замонавий мавзулардаги кўпгина шеърларни ўқиганда, сиз шеърнинг оҳангини, мусиқасини эшитмайсиз, шоирнинг ўз юрагининг уриши сезилмайди, ҳолбуки, бусиз сиз у шеърдан ҳаяжонга тушмайсиз. Натижада шоирнинг китобхон билан алоқани йўқотиб қўйиш хавфи туғилади. Бетакрор оҳангдорлик, муסיқийлик шеърлятда теран мазмун билан чамбарчас боғлиқдир. Шеърлятнинг юраги, жони мана шуларнинг туташлигидадир”<sup>2</sup>. Зулфиянинг эътирофича, “Шоирнинг юраги катта: у азоб ва қувончларни томчилаб йиғади”. Ана шундай туйғу, дард, ғоя йириклаша бошлайди, сезгилар, фикрлар ҳис-ҳаяжон билан тўлади. Ва “бутун вужудингни туғёнга солиб”, бугун айтмасанг ҳалок қиламан!, деб ҳайқирганда, қалб “портлаганда” шеър туғилади. “Юракдан юракка бормоғи шарт” бўлган шеърни, шеърга синдирилган фикр ва ҳисларнинг мағзини чақиш завқини уйғотиш қийин кечишини доимо қалбига туккан шоира “ҳар гал қўлига қалам олганда, биринчи шеърини ёзаётгандек

<sup>1</sup> Зулфия. Адабий ўйлар. (Тўпловчи Н.Каримов). –Т., “Фан”, 1985, 4-б.

<sup>2</sup> Зулфия. Адабий ўйлар. (Тўпловчи Н.Каримов). –Т., “Фан”, 1985, 25-б.

хаяжонга тушаверади, кийналаверади. Мен бундай ҳолни доимо бошдан кечираман”, - дейди.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, “Зулфия шеърятини ўзи бир дунё. Унинг эшикларини очиб, кириб бораверсангиз гуллар бағрида уйғонган бир гиламзор, ғам шамоллари кира олмаган бир кенгликлар, нурларга чайилган мўъжизавий бир олам сизни бағрига олаётгандай бўлади. Бундан армоннинг кўнгли ситилиб кетади, кўнгил тинчийди, қалбингиз ором олади”<sup>2</sup>.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Зулфиянинг ҳар бир шеъри – ўзгача тарих. Шоиранинг шеърятини ўқиган инсон, ҳар бир шеърда Зулфияни қалам тебратишга сабаб бўлган нозик дил торларини англаб олади. Бутун ҳаёти давомида учраган ёруғ, муҳаббатга лиммо-лим, қувончу-шодликларга тўла кунларни, аянчли, ғам-андух, айрилиқ дамларни ҳиссиётларга қўшиб қоғозга туширган сатрлари шоиранинг турмуши, ҳаёти қандай кечганидан далолат беради.

Зулфия 1915 йил 1 мартда Тошкентдаги “Ўқчи” маҳалласидаги темирчи оиласида дунёга келди. 16 ёшида (1931 йил) ўзбек хотин-қизлари педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1933-1935 йиллар Ўзбекистон Давлат нашриётида ишлади. 1935-38 йиллар Ўзбекистон Фанлар Комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтида ўқиди. 1938 йилдан “Болалар нашриёти”да редактор. 1941 йилдан Ўзбекистон Давлат нашриётида бадиий адабиёт бўлимининг бошлиғи, 1950 йилдан “Ўзбекистон хотин-қизлар” журналининг бўлим мудири, 1953 йилдан бошлаб 1986 йилгача ҳозирги “Саодат” журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. Унинг биринчи шеърий тўплами 1932 йилда “Ҳаёт варақлари” номи билан босилиб чиқди. Шундан сўнг “Қизлар қўшиғи”, “Уни Фарҳод дер эдилар”, “Ҳижрон кунларида”, “Ҳулкар”, “Мен тонгни куйлайман”, “Дугоналар

<sup>1</sup> Зулфия. Асарлар. Камалак, 3-жилд. -Т., Ёафур Ёулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил, 172-бет.

<sup>2</sup> Ёаранг: Ёотам Умр, Азмиддин Носир. Шеърят маликаси. –Самаръланд: “Зарафшон”, 1996, 35-б.

билан суҳбат”, “Камалак”, “Мушоира”, “Шалола”, “Қуёшли қалам”, “Лирика” каби 50 дан ортиқ шеърӣй китоблари босилди. Қардош халқлар тилида ва чет элларда жуда кўп китоблари бир неча бор таржима этилиб, босилди<sup>1</sup>.

Зулфия 20 ёшида шоир Ҳамид Олимжон билан турмуш курди. Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг самимий ва гўзал иттифоқларидан Ҳулкар ва Омон исмли фарзандлари туғилдилар. “Хонадонда бахт ва шодлик, тотувлик ва ҳурмат, эзгулик ва яратиш, сафарбарлик ва теранлик, содиқлик ва вафо, меҳр ва оқибат ҳукмронлик қилди. “Мен яйраб яшадим. Инсон чинакам севиб севилганда атрофидаги барча қийинчиликлар ушок бўлиб кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади”<sup>2</sup>, - дейди шоира.

Шу боис Ҳамид Олимжон “Соғинганда”, “Хаёлимда бўлдинг узун кун”, “Севги десам”, “Ишим бордир ўша охуда”, “Энг гуллаган ёшлик чоғимда”, “Ҳол” каби шеърларининг “прототипи” Зулфия эди. Зулфиянинг дунёси, муҳаббати эди:

Унутмасман сени ҳеч қачон,  
Юрагимда қоларсан абад.  
Сен бўларсан мен билан мангу  
Юрагимга ошно бўлган дард.  
  
Сўроғим шул: қора кўзларнинг  
Йўқолмасин сира вафоси.  
Бошларга тушмасин ҳеч қачон  
Шу кўзларинг ҳижрон жафоси<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўранг: Қотам Умр, Азмиддин Носир. Шеърӣят маликаси. -Самарқанд: “Зарафшон”, 1996 (Ушбу рисолада Зулфиянинг чоп этилган барча асарлари рўйхати берилган, 40-42-б.)

<sup>2</sup> Зулфия. Асарлар. Камалак. 3-жилд. –Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 14-б.

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. Беш томлик. 1 – том. Шеърлар. – Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970 йил, 172- бет.



Икки қалбни бирдан ловуллаб бу ишқ кўплаб шеърларнинг туғилишига сабаб бўлди. Уларда “Ишқ кўшиғи” куйланди:

Сен сездингми бизнинг нафасдан

Коинотда ортган эди нур.

Ҳатто қора сочлар чўғида

Бахту шодлик этганди зухур.

Бу йилларни “Мен ишқ эдим, ишқдин мастдим беармон”, деб хулосалайди. Бироқ, 1944 йилда Ҳамид Олимжон 35 ёшида фожиали тасодиф натижасида вафот этади. “Мен ўзимни у билан ҳалок бўлдим, дедим хаёлимда, мана ҳозир ҳам шунча вақт кетишига қарамай, у айрилиқнинг куйдурувчи аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман”, - дейди шоира. У баралла хайқиради: “Нега тирик экансан, ташлаб кетмадинг, ташлаб кетмасанг-да, бошлаб кетмадинг?!..”

“Лекин айрилиқ Зулфияни букиб ташлай олмади. Унда қодир онг, бурч бош кўтарди. У Ҳамид Олимжон учун ҳам яшаш, яратиш тилагини юрагига сингдирди. Бу катта аҳд эди. Бу қарори қаттиқ аёлнинг, санъаткорнинг, онанинг аҳди эди. Бунинг учун катта иқтидор, шижоат, мардлик, ирода бўлиши керак эди. Нозиккина, хаёли гул баргидек тоза ва нафис аёл шунча хислатларни қаердан олсин? Унга ким мадад беради? Ким уни номаълум бўронлардан ҳимоя қилади? Ким унинг нозик елкаларидан тутиб, бардам бўлишга, қаддини букмасликка, бир эмас, икки киши учун ижод қилишга ундайди?”<sup>2</sup>

Натижада ҳаёт ва инсонлар тафти Зулфияни “Кишини лол қолдиргудек даражадаги шеърият” (Миртемир) соҳибасига айлантиради. Ҳамид Олимжоннинг “совуш бермаган” туйғуларини тасвирлаш орқали шоирнинг ўлмас поэтик образини яратди.

---

<sup>2</sup> Ўзғанг: Зулфия. Хаёллар, туйғулар... – Т., Ёафур Ёулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил, 5- бет.

Шу боис, Президентимиз Ислом Каримов: “Ҳаёт сизни ҳар доим аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади. Сиз Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз..”<sup>1</sup>, - дея ҳақ гапни айтгандилар.

Ҳа, Зулфия шундай фазилатларни бир ўзида жам этган юксак иқтидорли санъаткордир.

“Бирон халқни тобе қилиш, аввало, унинг аёлларини тобе ва қарам қилишдан бошланади. Аёллари ҳар қанча зулм кўрса ҳам тобе бўлмаган халқ ҳеч қачон тобе бўлмайди. Ҳеч қачон зулм ва адолатсизликка бўйин эгмайди.

Табиат озод. Лекин у ўз қатъий қонуниятларига бўйсинади ва шу қонуниятлари доирасида яшайди, ўз мангу дастгоҳини айлантиради. Аёллар табиатга бениҳоя яқин бўладилар. Улар табиатни ҳаммадан ҳам ўткирроқ ҳис қиладилар ва табиат қонуниятлари билан яшашни ёқтирадилар. Уларга табиатдан озодлик қонунияти ўтган. Улар англаган ҳолда шу озодлик қонуниятларига риоя қиладилар. Ва буларни улар осмоний гўзаллик, меъёр, юксак даражадаги саранжомлик билан юзага чиқарадилар. Шарқ аёлларининг бу орзуси не тақдирларга айланмади, не-не такрорланмас асарларга, ёниқ сатрларга айланмади . . .

Зулфия озод аёлнинг орзуси эди. Ўзбек аёлининг орзуси эди. Ўзбек аёли озодлик ва гўзалликни Зулфиядай бўлади деб тушунарди. Зулфияда соф, тиниқ, гўзал, ҳарир озодлик бор. Озодлик истаги унда идеал бир нуқтага кўтарилган. Зулфия империя яратган “озодлик” ичида ҳам, гарчи

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1998, 240-б.

мудом репрессиялар тазъиқида нафас олган бўлишига карамай ўз тақдирида буюк момоларнинг орзуларини тўла руёбга чиқариш нияти билан яшади. Империя ўз мақсадларини кўзлаб, ниқобдор ғояларини бутун жаҳонга ёйиш иштиёқида эзилганларнинг Зулфия каби фавқулудда ноёб намояндаларини ҳам яратди. Зулфия империя қобиқларини, алдамчи пўстлоқларини қудратли тарзда босиб ўтди. У ўзбекнинг орзусини дунёга олиб чиқди. Дунё ўзбекнинг эрк истагида бўлганлигини, курашганлиги ва ҳар қандай шаклда бўлмасин, курашаётганлигини кўрди, гувоҳ бўлди.

Эллагинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб дунёда Зулфияни Шарқ аёли озодлигининг элчиси каби англадилар. Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари адибларининг бирдамлик ҳаракати майдонга келганда, Зулфия ўша давр Шарқ маданиятининг энг мумтоз намояндалари қаторида ҳаракатнинг марказида турди, ҳаракатнинг жонига айланди. Шу йиллари у XX аср ўзбек адабиётида аллома адиблар бўлмиш Ойбек, Ғафур Ғулум, Миртемир сафига дадил кириб борди. Уларга жўровоз бўлиб қуйлади. Ўша даврнинг эрк шамоллари сталинизмнинг ваҳшат деворларини ўпира бошлаган эди. Дунёнинг илғор фикрли, пешқадам адиблари бир-бирлари билан мулоқотга киришган замонлар бўлган эди. Ўшанда Зулфия атрофида "оламнинг қанчадан қанча шуҳратли юлдузлари тўпланмадилар дейсиз? Чингиз Айтматов, Мирзо Турсунзода, Расул Ҳамзатов, Николай Тихонов, Константин Симонов, Қайсин Кулиев, Мустай Карим, Григо Абашидзе, Эдуардас Межелайтис, Вера Инбер, Степан Шчипачев, Сажжод Зоҳир, Амрита Притам, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат. . . Зулфия улар билан таниш-билишгина эмас, балки фаол ижодий баҳслар, мунозаралар, учрашув-лар, мулоқотлар ва ҳаммадан ҳам муҳими, мушоираларда бўлар, сара сўз айтар, сара шеър ўқир, шеърлари унутилмас "Мушоира" каби дунё руҳи, дунёнинг ўша давр

тенденцияларини ёрқин ифодаларди. У жаҳонга донг таратган адибалар қаторидан ўз шарафли ўрнини мустаҳкам эгаллаган эди.

Бир тола нур қабарик призмадан ўтса, минг тола зиёга айланади. Зулфиянинг шеъри, аёл тақдири ҳақидаги сўзи дунёнинг юрагидан ўтди ва жуда кўп одамлар қалбида акс-садо топди. Ғафур Ғулом: “Муаззам Шарқ намоёндин сенинг покиза жонингда”, деганида, бунда ҳеч қандай муболаға йўқ эди. Унинг шеъри, ҳақиқатдан ҳам аср нидосига, шарқлик аёллар қалбининг сирли садосига айланган эди”<sup>1</sup>.

Зулфия ўз қалбининг тубсизликларига назар ташлай олган эди. Аёл қалби дунёсининг сирларини хўб сирли қилиб англата билганди. Шоирамиз дунё шеърияти эҳромига қалбининг мусаффо, покиза, тиниқ, шаффоф зиёси билан эш бўлганди. У ҳаётда ҳам доимо шундай покиза зиё таратиб яшади.

---

<sup>1</sup> Иброқим Ғафуров. Робия гыздоридан Зулфиягача...// “Халғсўзи” рўзномаси, 2000 йил, 1 март, 3-бет.

## 2 – ФАСЛ. ШОИРА ПОЭТИК РУҲИЯТИ ТАРЖИМА ҚИЛИНГАНДА...

Зулфия лирикасининг бетакрор оламини, бойлигини, сеҳрини рус тилига кўчириш йўлида Константин Симонов, Светлана Сомова, Римма Казакова, Юлия Нейман, Светлана Евсева, Александр Наумов, Ян Козловский каби таржимонларнинг хизматлари каттадир.

Шоира шеърларининг бор гўзаллигини, бетакрорлигини, миллийлигини, нафислигини таржимонлар рус китобхонига қай тарзда очиб берганлар? Зулфия асарларининг рус тилига қилинган таржималари билан рус тилидан Зулфия орқали ўзбек тилига қилинган таржималар ўртасида боғлиқлик ёки бир-бирига зид томонлар мавжудми? Рус аёли руҳияти ўзбекчага ёки ўзбек аёлининг руҳияти русчага кўчганлигида қандай хислатлар касб этади?.. Таҳлилимиз жараёнида мана шундай саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Шоиранинг шахсий ҳаётидаги рўй берган жудолик унинг шеърлятида ўз аксини кўрсатди. Шоира ана шу руҳда инсон ва ҳижрон, ҳаёт ва ўлим, муҳаббатга садоқат, вафодорлик, соғинч мавзуларида қатор шеърлар ёзди. “Ҳижрон кунларида”, “Кечир, қолдим ғафлатда”, “Юлдуз”, “Не балога этдинг мубтало”, “Сен қайдасан юрагим”, “Кўрганмидинг кўзларимда ёш”, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Ҳаёт жилоси”, “Сенсиз” каби шеърларида ўз ҳаёти, тақдири мисолида ўзбек аёлига хос бўлган хислатларни, туйғу ва кечинмаларни моҳирона акс эттирди. Зулфия интим лирикасининг энг кўп қисмини Ю.Нейман рус тилига таржима қилган; таржималарида шоира поэзиясининг руҳини сақлашга катта куч сарф қилган. Лекин у бундай ютуққа ҳамма вақт эришавермайди.

Шоиранинг “Сенсиз”<sup>1</sup> шеъри автобиографик характердаги асардир. Унда шоиранинг Ҳамид Олимжонга бўлган меҳри, севгиси, соғинчи,

---

<sup>1</sup> Зулфия. Йиллар садоси. Сайланма. –Т., Ўзғур Ёулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 38-бет.

айрилиқ доғининг руҳий азоблари акс этган. Акс этганда ҳам, айрилиқда яшовчи садоқатли, вафодор аёлнинг қалб тебранишлари ниҳоятда аниқ, ёниқки, шеърни ўқиган ҳар бир киши уни юракдан ҳис этади: улкан бардошга, буюк соғинчга, ниҳоясиз оламга шерик бўлади. Севгилисининг тириклиги учун ўзлигини бутунлай бахшида қилишга тайёр аёлнинг муҳаббатига қойил қолади:

Мана бир умр яшадим сенсиз,  
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб.  
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,  
Фарзандлар кўтарди кўлимдан тутиб.

Шундан бери тикман. Ҳар нега қалқон,  
Бахтга, баҳорга ҳам, қишга, қайғуга.  
Биров азасида йиғлайман қон-қон  
Тўйида яйрайман ўхшаб охуга.

Лекин қолганимда қалбим-ла танҳо,  
Туйғулар зорига солганда қулоқ.  
Ўзни заиф, чанқоқ сезганда гоҳо,  
Аламдан бераман жавобсиз сўроқ:  
Тирик экан нега ташлаб кетмадинг?

Мендан нафисроқнинг ҳуснига ошиқ,  
Мендан ёниқроғи тортмади сани,  
Энди нигоҳингга бор жаннат очик,  
Сени мажнун этиб бир ёр гўзали.  
Нега, мени ташлаб кетавермадинг?..

Ҳ.Олимжонсиз йигирма олти йиллик умр (Ҳ.Олимжон 1944 йилда вафот этган; “Сенсиз” 1970 йилда ёзилган) шоирани шунчалик қайғуга соладики, ёрининг ўлимидан кўра, унинг бевафолигини афзал билади. Унингсиз яшашнинг азобини фақат фарзандлар туфайли енгаётганига, инсонларнинг қайғуси ва шодликларига шериклиги уни “тик” тутиб турганига, дилнинг шу изҳорига, унинг маънос ва майин оҳанги – зорига тўлиқ қўшиласиз. Биринчи банддаги фикр-хабарни хайқириб, юрак ҳовучлаб оғриқ ила қабул қиласиз, кейинги бандларни эса бир-биридан ажратмай бирдан ўқийсиз “косодаги сувни бирдан сипқориб чанқоғингизни қондиргандай”, “жавобсиз сўроқ”га жавоб олгунча калбингиз гуппиллаб ураверади, гўё нафас олишингизга имкон бермайди.

Бу ҳолатлар Ю.Нейман таржимасида шундай яратилади:

Целую жизнь без тебя (о, как время бежит!),

Целую жизнь без тебя я уже прожила на свете.

В день, когда, к гробу припав, я рыдала навзрыд,

Подняли с пола меня и поставили на ноги дети.

Вот и стою, словно щит. И лица своего не прячу

Ни от весен и зим, ни от радостей, ни от страданий.

Если хоронят другие – с ними я вместе плачу

Свадьбу справляют другие – резвлюсь веселее лани.

Всё изменяется вдруг, чуть я одна осталась:

Горло мне разъедает горечь непролитых слёз.

Слабость вдруг нападает, на плечи ляжет усталость,

А на губах – неотвязный, единственный мой вопрос:

“О, почему при жизни, - спрашиваю напрасно, -

О, почему при жизни ты не ушёл к другой?!

Пусть даже к самой стройной, самой прекрасной,  
страстной...

Лучше б меня ты бросил, только б ты был живой!”<sup>1</sup>

Шеърнинг асл нухасида учинчи, тўртинчи ва олтинчи банди 5 мисралик бўлиб, 8-банди 2 мисралик ва қолганлари 4-мисраликдир. Русчада эса ҳамма бандлар 4 мисрадан иборат бўлиб, аслидагидан 2 мисра камдир. Бу таржимада Зулфия оҳангини бузган, Зулфия қалби тебранишлари тўлқинини ўзгартирган. Шеърдаги кўпни кўрган онанинг, ёрнинг оғир дард ва изтиробларини “О, ... о” деган ясама оҳанг ва номсиз илтижо билан беришга олиб келган. Бундан ташқари “Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб”, “Мендан нафисроқнинг ҳуснига ошиқ, Мендан ёниқроғи тортмади сани, Энди нигоҳингга бор жаннат очиқ. Сени Мажнун этиб бир ёр гўзали” каби мисралар маъноси тушириб қолдирилади. Ёки “О, почему при жизни ты не ушёл с другой”, деган (ясама) оддий прозаизм билан алмаштиради. Бу гаплар билан биз шеърдаги мисралар сони, бандларнинг тузилиши тўлиқ сақланиши лозим деган талабдан йироқмиз, лекин шеър руҳи ва оҳангини сақламасликка тамоман қаршимиз.

“Сенсиз” шеъридаги қалб туғёнининг ривожини, кульминацияси ҳақида баҳс юритмасдан, унинг хотимасини таҳлили мисолида ҳам таржимоннинг ютуқ ва камчиликларини умумлаштириш мумкин. “Сенсиз” қуйидаги икки ва тўрт мисралик икки банд билан тугайди:

Ҳаётда мен учун қолардинг тирик,

Қаламинг муждасин кутардим муштоқ...

Маънос такдирингга яшаб мен шерик,

Мушкул бўлаётир шодлик яратмоқ.

---

<sup>1</sup> Ўларанг: Зулфия. Избранное. Москва, “Художественная литература”, 1985, стр.113.



Нега тирик экан, ташлаб кетмадинг,

Ташлаб кетмасанг-да, бошлаб кетмадинг?!

Кўринаяптики, лирик қаҳрамон севгилисидан “тирик айрилиб” яшагандан, “хурлик умрни чайнагандан” кўра, унинг бевафолиги азоб-укубатларини ишқ ҳаққи-ла мағрур ва муштоқ кутишни ўзига эп кўради. Агар шундай бўлмаган тақдирда у дунёга “бошлаб кетишни”, фақатгина биргаликда яшаш бахтини истайди.

Таржимада эса:

В снах моих-самых тайных! – были бы мы всё же вместе,

И от тебя, живого, я поджидала бы вести!

...Счастье творить всё труднее сердцу, уму моему,

Связанным нераздельно с чёрной твоей судьбой. . .

О почему, любимый, о, почему, почему

Ты меня не оставил? . . .

Или не взял с собой?!

тарзида асл нусханинг моҳияти юзаки очилади: биринчи бандга эътибор қилсангиз “Ҳаётда мен учун қолардинг тирик” сатри “В снах моих-самых тайных! – были бы мы все же вместе” тарзида берилади. Севган кишининг тақдирини – қора тақдир тарзида (“кашф”этилади) айтиш ўзбек аёлига тамоман бегонадир. Уни “маъюс, ноумид, тушкун” дейиши мумкин, ана шундагина севган қалбнинг нидоси жонланади.

Кўринаяптики, таржимон Ю.Нейман “Сенсиз”ни таржима қилар экан, баъзи ўринларда матннинг умумий руҳини ва мазмунини беришга интилади-ю, лекин шеърнинг шаклини эътиборсиз қолдиради, баъзи ўринларда образларни ғализ ва туссизликка ўрайди, матн маъносининг ўзбекона эканлигига эътибор бермайди ёки ўзига хос миллийликни тўлиқ

англаб етмайди. Натижада шеърдаги улкан муҳаббат кечинмалари саёзлашади.

“Баҳор келди сени сўроқлаб...”<sup>1</sup> шеъри ҳам Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган. Бу асар инсон туйғулари ифодасининг бебаҳо дурдонасидир.

Салқин сахарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабида, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор. . .

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,  
Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.  
Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби  
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,  
Сени излаб юрди, кезди сарсари.  
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,  
Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.

Профессор Л.Қаюмов асосли ёзганларидек, баҳор одатан ҳаётнинг уйғониш рамзидир. Ҳамид Олимжон эса адабиётимиз тарихида баҳор ва бахт куйчиси сифатида машҳур эди. Мана, яна баҳор келди... Баҳор келди-ю, ўз куйчисини излади. Шоир юрган боғларни, тоғларни, уйни кезди-ю, куйчисини кўрмади. Ётоғида эса қора кийган шоирани учратади:

Қани мен келганда кулиб қаршилаб,

---

<sup>1</sup> Зулфия. Хаёллар, туйғулар,-Т., Ёафур Ёулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил, 23- бет.

Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?  
“Бахтим борми” дея, яккаш сўроқлаб,  
Мени шеърга ўраб суқланиб боққан?

Ўрик гулларига тўнмайди нега,  
Елда хилпиратиб жингала сочин?  
Нега мен келтирган шўх наъшидага  
Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин? . . .

Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?  
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.  
Нечун қора либос, сочларингда оқ,  
Нечун бу кўкламда сен паришонҳол?.

Шеърнинг ҳар бир мисраси, айни пайтда, юракни ларзага солувчи шу сўроқлар ўқувчи қалбидаги севинч ва ачиниш туйғуларини энг баланд пардада тўкнаштиради. Севимли ёрни, устозни, ўзингга яқин бўлган кишини йўқотиш жуда мушкул. Лекин ҳаёт давом этади. Ҳаётда фарзандлар, дўстлар бор. Лирик қаҳрамондаги ирода, ўз халқига ишонч туйғуси унинг алам ва изтиробларини енгади ва шеър Ҳамид Олимжоннинг барҳаёт эканлигини тасдиқловчи мисралар билан тугайди:

Баҳорга бурканган сен севган элда,  
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам хали сенсиз олмадим нафас.

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,

Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

Бу асарни ўқир экансиз, бевосита ўзингизни шоиранинг ўрнига қўясиз. Инсоний муҳаббатни ҳаққоний тасвирловчи бадиий тиниқ бу шеърнинг эмоционал таъсир кучи шунчалик ўткир-ки, кўзингиздан ёш тўкилганини ҳам сезмай қоласиз. Мазкур асарнинг ёзилиши тарихига назар солсак, шоирамиз “Баҳор келди сени сўроқлаб...” шеъри ҳижрон қалбни кемирган баҳор тунларидан бирида ёзилганини таъкидлайди. Чиндан ҳам шеърда баён этилган ҳиснинг бирбутунлиги шеърни бир зарб билан ёзилганлигини исботлайди.

Таржимада эса шоира кечинмалари, улкан муҳаббатга содиқлик туйғулари саёз берилади. М.Алигер шеърни таржима (“Пришла весна, спрашивает о тебе”) қилиш жараёнида эркинликни қўллаб, оригиналга хос бўлмаган, мазмунига мос келмаган фикрларни қўшади, асарни нечундир қисқартирилган ҳолда таржима қилиб, ўқувчига тақдим этади:

Живым дождём омыв миндаля,  
В рассветный час пришла весна.  
Полётом птиц наполнив даль,  
Тревожа нас, пришла весна.

О, как любил ты час ночной,  
Когда готов зацвести урюк,  
И аромат земли сырой,

И почек хлопающий звук!<sup>1</sup>

“Қанча севар эдинг, бағрим баҳорни” мисрасини М.Алигер “О, как любил час ночной” тарзида таржима қилади. Бу эса таржима билан оригинал ўртасидаги тафовутни юзага келтиради. Шеърнинг сўнги учта тўртлиги бутун асарнинг мазмунини белгилайди. М.Алигер таржимасида эса бу хулоса битта тўртлик тарзида намоён бўлган:

И песню, спетую тобой,  
Запел на ветке соловей.  
И мир, разбуженный весной,  
Шумел над памятью твоей.

“Нам слышится очень близкая песня, полная жизни. На твоей Родине весна, и вновь в народе твоём звучит твой голос. Ты не умер, ты жив, но нет тебя. Я до сих пор без тебя не вздохнула не разу. Горечь разлуки в душе моей, твоё струна в руке моей. Когда я пою о счастье. Отступает даже зло. Ты и ночью и днём со мною рядом, если я ещё живу, значит жив и ты”. Охирги мисраларнинг таржималари шунга яқинроқ бўлиб янграши ва шоира туйғуларининг ҳаётлигини, унинг мантикий асосини исботлаши лозим эди. Афсуски, М.Алигер асарни бузиб, шеърдан туйғулар оқими ва маъносининг яхлитлигини тўлиқ ҳис қилмасдан, етарлича англамаган ҳолда таржима қилади.

Хулоса қилганимизда, Ю.Нейман ва М.Алигерларнинг бу таржимала-рини бир неча бор иситилган паловга қиёслаш мумкин. Паловга ўхшайдиган сиёғи бор-у, лекин янги дамланган паловнинг иштаҳани очувчи ўзига хос ҳиди, таъми, кўриниши йўқ. Таржимон Зулфиянинг бутун кечинмаларини, руҳиятини чуқур билсагина, ўзида

---

<sup>1</sup> Ўларанг: Зулфия. Избранное произведение. Москва, “Художественная литература”, 1985, стр.153.

уларни қайтадан тирилтира олсагина поэтик етуклик билан ифодалай олади, таржима аниқ ва аслига яқин бўлади.

Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига, унинг сўнмас севгисига бағишлаб ёзган шеърларининг фалсафий мазмуни таҳсинга сазовордир. “Айрилиқнинг ғоят аччиқлигини таърифлаётганда тўла ҳаққоний бўлган шоира тушкунликка берилмайди, ҳаётдан воз кечмайди, май билан ўзини унутмайди, балки севимли ёрининг ишини давом эттириш билан унинг ҳаётининг давомийлигини таъминлаш мумкинлигини тушунади ва шу билан таскин топади”<sup>1</sup>. Шунинг учун Зулфиянинг ана шу дардли, қалбни титратувчи шеърлари ёри вафотидан кейин яратилган бўлса-да, бу шеърларда ҳиссиёт аввалгидек оловли, тафти қалбларни ёндиради:

Соғинганда излаб бир нишон,  
Қабринг томон олар эдим йўл.  
Келтирардинг менга бир замон,  
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

Келдим. Узоқ қолдим мен сокин,  
Сенинг азиз бошингда ёлғиз,  
Осмон тиниқ эди ва локин,  
Парча булут етиб келиб тез,

Кўкда менинг бошимда туриб  
Гўё юрагимдай қалқди у.  
Кўзимдаги ёшимни кўриб  
У ҳам тўқди ёшини дув-дув.

---

<sup>1</sup> Лъяюмов Л. Зулфия. –Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 60-б.

Биз йиғладик тепангда шу кун  
Келдингми, деб кўтармадинг бош.  
Айт-чи, сен-ла бахтиёр онлар,  
Кўрганмидинг кўзимда бир ёш.<sup>1</sup>  
Ёки:  
Бу ҳаётнинг ҳамма тоза, чиройли дами  
Азиз дўстим, мудом сени эсга солади.  
Кўзлар амри, юрак эрки, жўшқин ҳис билан  
Кеча - кундуз жанг қилмоқдан ақлим толади.

Тоқат дилга ошна бўлган ажойиб дамлар,  
Туйғуларнинг зид хоҳиши берганда алам,  
Кўкракларни тўлдирганда ором ва озор,  
Бахтсизмидик? Наҳот унут бўлар ўша дам.<sup>1</sup>

Зулфиянинг бу шеърларида ҳам ўзбек аёлининг қалбидаги нозик туйғулар тасвирланган ва уларнинг барчаси ҳаётга муҳаббат руҳи билан қондош ва жондош. Бу туйғулар умумлашмалар даражасига кўтарилган, бу фалсафийлик – дилбар поэзияни бунёдга келтирган.

Ҳа, Зулфия кўпроқ аёллар қалби куйчисидир. Шоира Ольга Ипатова билан суҳбатда бу ҳақда шундай деганлар: “ўзбек хотин-қизларининг тақдири – ўтмиши ва бахт сари босиб келган йўли – мана шулар шеърларимга асосий мавзу бўлиб кирган... Ҳозирги ўзбек аёлларининг қиёфаси ҳам ҳар хил ва мураккаб. Бу мураккабликни, уларнинг тушунчалари, дунёда тутган ўринларини кўрсата билиш –

---

<sup>1</sup> Зулфия. Йиллар садоси. Сайланма. Тошкент., Ёафур Ёулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 34 - бет.

<sup>1</sup> Зулфия. Танланган асарлар, Тошкент., Ўзадабийнашр, 1959, 127 - бет.

адабиётимизнинг вазифаси”<sup>2</sup> Шунинг учун шоиранинг ҳар бир сатрида аёлларга хос бўлган ҳиссиёт ва фазилатларни кўрсатиб берувчи, аёлни ўйлантирувчи муаммоларини ечувчи, аёлларимизни ўз бахти, оиласи, тинчлиги учун курашувчи бир куч борлиги сезилиб туради. Шу ўринда, “бугунги ҳаётимизда қўйди чикдилар, сарсон-саргордон етимлар, ҳавойи истақлар деб ор-номусдан воз кечган аёллар, ҳаёсиз, ибосиз жувонлар жабрини тортаётган жаҳонда, Зулфиянинг шеърини ўтли нидо сифатида жарангламоқда”<sup>3</sup>. Зулфия ижодини қалбидан ўтказган ҳар бир инсон ўзини тарбиялай олиши ҳеч гап эмас. Бунинг учун, ҳеч бўлмаганда, 5-10 шеърини ёддан билиш кифоя. Ана шунда, бизнингча, ҳар бир аёл ўз бахти, оиласи мустаҳкамлиги, тинчлиги, фарзандларининг келажакда баркамол бўлиб етишиши учун барча имкониятларини сарф этиб курашади.

Юқоридаги келтирган “Кўрганмидинг кўзларимда ёш?” шеърини яна бир бор қалбимиздан ўтказсак ... Қанчалик тиниқ ва содда ифодаланган кечинмалар орқали шоира (йиллар оша) ўз ёрига бўлган муносабатини таъсирчан ифодалай олган. Шоиранинг муҳаббати табиат билан ҳамнафас. Гўё табиат ҳам ўз ташвишларини бир зумга унутиб, шоир қабри устида тик тургандек ва ўзини шу ерда эканлигини исботламоқчи бўлиб, “у ҳам тўқди ёшини дув-дув”. Шоира билан табиат уйғунлашиб, ёмғир билан кўз ёши бирлашиб, шоирадан “Келдингми, деб кўтармадинг бош?” деб сўрашлари жуда ҳам моҳирона тасвирланган. Рус китобхонига мазкур шеърни С.Евсеева “...Дарил мне лето...” тарзида тақдим этди:

Когда томима чёрным светом,

Иду к тебе, в края потерь.

Когда-то ты дарил мне лето,

<sup>2</sup> Ўларанг: Зулфия. Асарлар. Камалак. 3-жилд. –Т., Фахур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 135-136-б.

<sup>3</sup> Қотам Умр, Азмиддин Носир. Шеърини маликаси. Самарқанд, “Зарафшон”, 1996, 3-б.



Мои цветы прими теперь.

Была всегда перед тобою  
Я только с радостным лицом.  
Гляжу, вдруг в небо голубое  
Прихлынул тучи горький ком.

Я здесь, ты чувствуешь, любимый!  
Вдруг туча мне как знак дана?  
Над пропастью необратимой  
Кто будет плакать - я, она?

И опрокинутая туча  
Расплавилась в мои зрачках...  
Скажи, у нас бывал ли случай,  
Что я лицом к тебе в слезах?...<sup>1</sup>

Рус ва ўзбек тилларини мукаммал ўзлаштирган китобхон оригинал ва таржимани ўқиганда, бизнингча, албатта, “Кўрганмидинг кўзларимда ёш?” билан “...Дарил мне лето...” ўртасидаги тафовутни сезади. Бу қайси жиҳатларда кўзга ташланади?

Биринчидан, шеър сарлавҳасининг ўзиёқ нотўғри таржима этилган. “Кўрганмидинг кўзларимда ёш?” сўроғи остида берилган сарлавҳа шеърнинг том маъносини ёритгандек. Ана шу савол орқали келиб чиқадиган барча ҳиссиёт ва кечинмалар эса қолган 16 мисрада муҳрланган. Оригинални ўқиганингизда қандайдир сизга яқин, юрагингизни ўртовчи кечинмалар: ўзбек аёлига хос бўлган соғинч, илиқлик, самимийлик каби хислатлар жамулжам. Шоира поэтик образ

---

<sup>1</sup> Зулфия. Избранное. –М., “Художественная литература”, 1984, стр.155.

орқали, ўзи ҳис этган конкрет ташбиҳлар ва сўзларнинг жонлилиги, шеърнинг ғам оҳангига чўлганган мелодикасини, уйғунлик касб этган юрак садоларини бера олган. Таржимон эса “...Дарил мне лето...” сарлавҳаси орқали, шеърнинг буткул маъносини бузган. Бундай ҳолни таржимон сатрларида яққол кўриш ҳам мумкин.

Соғинганда излаб бир нишон  
Қабринг томон олар эдим йўл.  
Келтирардинг менга бир замон,  
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

Таржимада:

Когда томима чёрным светом,  
Иду к тебе, в края потерь.  
Когда-то ты дарил мне лето,  
Мои цветы прими теперь.

Таржимага назар солинг: “черным светом”, “края потерь”, “дарил мне лето” жумлалари оригинал маъносига ҳеч ҳам тўғри келмайди. “Томиться – қийналмоқ, азоб чекмоқ, интизор бўлмоқ” маъносини беради.

Бу ерда таржимон матнни “соғинчдан қийналмоқ” маъносига яқинлаштирмоқчи бўлганлиги сезилиб турибди, лекин поэтик образни “томиться черным светом” (“қора нур-ла азобланмоқ”) ҳолатида бериши нотўғри. “Қабринг томон олар эдим йўл”ни “Иду к тебе, в края потерь” тарзида берган. Ваҳоланки, буни сатрма-сатр таржима қилган тақдирда аслиятга монанд бўлади. Поэтик образга гул тақдим этилишини эса – “дарил мне лето” тарзида берган. Бизнингча гулни тақдим этилишини “ёз” билан боғлаб бўлмайди. Унда нега “дарил мне весну” деб таржима этмаган. Ёинки “ёз” орқали ўша ёрига бўлган мухаббатининг иссиқ ҳароратини тасвирламоқчи бўлганмикан?

Иккинчи тўртликда лирик қаҳрамоннинг келганини, унинг қабр бошида узоқ ёлғиз туришини С.Евсеева китобхонга беролмаган. Аммо, мана шу руҳий вазият ва ҳолатларни ёритиб бериши керак эди. Чунки ҳар бир сўз, сатрни тўғри етказишдан шеърнинг маъноси аниқ ёритилади. Кейин шоира қабр бошига бориб, булут йиғлайдими ёки менми, деб сўрамайди? У табиат билан ҳамоҳанг, унинг кўз ёши ёмғир томчилари билан бирга оқишини, ёрини хотирлаб келганида, табиат ҳам ҳозирнозирлигини кўрсатмоқда. Таржимада эса буткул бошқа маъно. Ағдарилган булут образнинг кўзида эриб кетгандек. Учинчи тўртликнинг таржимаси ҳам буткул нотўғри деган асосни бемалол айтиш мумкин.

В.Г.Белинский фикрича, “бадий таржимада асарга бирон нарса қўшиш, ундан бирон нарсани олиб ташлаш ёки уни ўзгартириш мумкин эмас. Таржима қилишдан мақсад – тилни билмаслик натижасида китобни ўқишга муяссар бўлолмаган кишиларга уларнинг ўз она тилларида ўқиб баҳра олишлари учун мумкин қадар асл нусха ўрнини босадиган асар яратишдан иборат, токи ана шу таржима орқали китобхон асардан баҳраманд бўлсин ва у тўғрида фикр юрита олсин”<sup>1</sup>. Шу фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, шеърнинг таржимаси жуда саёз чиққан.

Бизнингча, ана шундай шеърларнинг таржималарини бошқатдан кўриб чиқадиган фурсат етиб келди. Чунки Зулфия шеърляти ўта нозик, ўта таъсирчан, ўта маънодор. Ана шу нозикликни, таъсирчанликни, пурмаънони бошқа халқлар китобхонларига етказиш масъулиятли таржимонлардан катта маҳоратни талаб қилади, буни юқоридаги шеърнинг таржимаси мисоли ҳам исботлайди.

“Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади”...

---

<sup>1</sup> Ўларанг: Саломов Ф. Тил ва таржима. –Т., “Фан”, 1966, 21-б.

Гулни кўриб ишқпараст қалбим,  
Минг айтилган дарддан куйлади.

Севги қурғур бунча зўр экан,  
Ҳижрон кўшар экан ҳарорат.  
Ўлгудайин муштоқ бўлибман -  
Висолингга, йўқ чоғи тоқат...

Юқоридаги шеър билан танишиб бораётганингиз сайин, шоиранинг севги дарди ва висолга чанқоқлиги, ҳижрони, муштоқлиги, соғинчи, ниҳоят яшашга ундовчи бир куч борлигини сезасиз. Ёзувчи В.Инбер сўзи билан айтганда, “лирика-поэзиянинг портловчи қисмидир”ки, у шоиранинг ўзи ҳақидаги ва ўзини ўраб турган муҳитга муносабати ҳақидаги туйғулари ифодасидир. Юзаки қараганда лирик асар катта мазмундан маҳрумдек туюлса-да, лекин у чуқур мазмунга эгадир. Бу мазмун инсон тилига кўчириб бўлмайдиган инжа ва нозик ички сезгилардир. Ички сезгиларнинг мантиқий боғланишидан юзага чиққан маънолар шеърнинг мазмунидир.

Шунинг учун шоиранинг мазкур шеъри ҳам жуда таъсирчан, лирик қаҳрамоннинг ҳолати эса керакли сўз ва иборалар орқали моҳирона берилган. Ишончимиз комилки, бу шеърни ўқиган китобхон катта маънавий озуқа олади. Хўш, таржима қандай амалга оширилган? Сўз ва ибораларни танлашда таржимон адашмаганми?

Мазкур шеърни К.Симонов таржима қилган. Шунини айтиб ўтиш жоизки, К.Симонов моҳир таржимонлардан биридир, кейин Зулфия ва Ҳ.Олимжонлар, уларнинг ижодлари билан яхши таниш. Умуман олганда, шеърнинг таржимаси баъзи бир мисраларни ҳисобга олмаганда, яхши чиққан деса бўлади. Балким, 20 йил олдин бу таржима бенуқсон

ҳисоблангандир ва йиллар оша бизнинг таҳлилимиз ҳам етарли, асосли бўлмас. Бу таржиманинг қонуниятларидан биридир.

“Италён” тилида таржимонни “традuttore” дейишади. Бунга жуда оҳангдош бўлган “тредутторе” сўзи “хоин” маъносини беради. Шу асосда италёнларда “традuttore-тредутторе”, яъни “таржимон-хоин” деган ибора қўлланиб, бу бутун дунёга шоён бўлиб кетган. Бошқа халқларнинг тилларида ҳам шўрлик таржимон ҳақида нималаргина дейишмайди – “таржимон-рақиб”, “таржимон-қул”, “таржимон хотинга ўхшайди: тўғри бўлса – чиройли эмас, чиройли бўлса тўғри эмас” ва ҳоказолар... Иложимиз қанча, бу ерда ҳам мантиқ қисқа аниқ: таржимоннинг вазифаси – таржима қилиш. Бор нарсани, албатта.

Лекин... Ҳар қандай асар фақат ўзи барпо этилган тилдагина “мутлақ ўзига мос”, бинобарин, “мутлақ тўғридир”. Дунёдаги энг олий таржима ҳам (агар бўлса!), у таржима экан, ўзининг асл нусхаси – биродарига мутлақ тенг бўлолмайди. Бу ҳам таржима мантиқи, бу ҳам

таржима табиати”<sup>1</sup>. Шундан келиб чиқиб, биз ўзимизнинг нуқтаи назаримизни айтишни жоиз деб топдик. Шоира мазкур шеърни Ҳ.Олимжон қаламига мансуб бўлган мисралар билан бошлайди. Лекин Ҳ.Олимжон ижоди билан таниш бўлмаган китобхонга буни илғаш қийин. Шунинг учун бўлса керак, К.Симонов таржимасида бу сатрлар айнан Ҳ.Олимжонга тегишли эканини кўрсатади. Аммо оригиналнинг охиридаги тўртлигида, шоира шу мисралар айнан Ҳ.Олимжонга тегишли эканини таъкидлайди.

“Зацвёл урюк наш у окна”,-

Так ты писал, когда был жив.

Урюк цветет. Живу одна,

<sup>1</sup> Ғайбуллоқ ас-Салом. Эзгуликка боғлан одамзод. 2- китоб. – Т., «Шарль», 1997, 138 –139 - бетлар.

На сердце камень положив.

Бу билан К.Симонов “Так ты писал, когда был жив” сатрлари билан  
Ҳ.Олимжон ҳақида эслатиб ўтади.

Сени кумсаб оқшом чоғида  
Кириб келдим шу таниш уйга.  
Биз бир чоклар яшаган уйда  
Тунаб қолдим хаёл-ла бирга<sup>2</sup>

Таржимаси:

Протосковавши вечер весь,  
Опять в знакомый дом вошла.  
Одна заночевала здесь,  
Где я с тобой вдвоём жила.<sup>3</sup>

“Тунаб қолдим хаёл-ла бирга” мисрасини таржимон “Одна заночевала здесь” тарзида бермоқда. Зулфияда бу ҳолат ўзгача, у ухлаб қолмаган, балки хаёл суриб, ёри ҳақида ўйлаб, ўтказган дамларини ёдга олиб (ухламасдан) ётган. “Хаёл-ла” сўзини таржимон кераксиз деталь каби тушириб қолдирган. Натижада оригиналда ёритилган фикрга путур етказган. “Ухлаб қолиш” билан “хаёл-ла ётиш” бошқа-бошқа ҳолат эканлигига аҳамият бермаган.

Сен тугатгач, чанқоқлик билан  
Ўқиб мафтун бўлганим ҳаёт.  
“Қалай деган” бўлиб термулган  
Кўзларингнинг оташи ҳаёт.

Таржимаси:

Здесь ты их первой мне читал:

---

<sup>2</sup> Зулфия. Йиллар садоси. Сайланма.- Т., Ўзғур Ўзлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 35-бет.

<sup>3</sup> Зулфия. Избранное. М, “Художественная литература”, 1985, стр.156.

Ты, я и больше никого...  
И поднимал глаза, и ждал  
С неммым вопросом “Каково?”.

Бу тўртликнинг таржимаси эса жуда аслиятга яқин, моҳирона акс этган. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, шоира бутун шеъри давомида тасвирлаган эмоционал ҳолатини К.Симонов ўз таржимасида такрор сўзлар билан беришга эришмоқчи бўлган. Ва у қисман бунга эришган ҳам. “Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам, Ёшлик кечган торгина шу жой; Рашкка тўлиб тўнган у кўзлар, бир жаҳонга арзир табассум, Бари ҳаёт, муҳаббат каби, ҳамма ерда кўринар изинг, Мени ўраб олди ҳаяжон, яна ортди севгининг кучи” каби мисраларни “Векой добра и теплоты, Здесь я тобой полна была, Ты, я и больше никого, запомню до седых волос, Горжусь, что ты писал при мне. Но первой слушала их я, До смерти не забуду-нет!” тарзида рус китобхониға етказган. Шунинг учун аслиятдаги эмоционаллик, руҳий ҳолат, шеърнинг динамикаси таржимада салгина бўш чиққан.

Зулфия шеърларининг таржимонлари орасида Ю.Нейман алоҳида ўрин эгаллайди. Таржимоннинг баъзи таржималари бўш, саёз чиққан бўлса, баъзилари жуда пишиқ, моҳирона ўгирилган. Мисол тариқасида Зулфиянинг “Сен қайдасан, юрагим!” шеърининг таржимасини кўрайлик:

Қалб бўлганда йироқда,  
Ирода экан ожиз.  
Дўстлар ҳам кўп атрофда,  
Аммо мен якка-ёлғиз...

Бирдан қалбим кексариб,  
Қон ҳам қочди юзимдан.  
Сен сирдошни ахтариб,

Хаёл кетар изингдан.

Қайга кетдинг, юрагим,  
Битди бардош ва тоқат.  
Сухбатингдир тилагим,  
Дилда ҳасратим қат-қат.

Кўпдир айтажак сўзим,  
Ўгитларингга зормен.  
Йиғлайсан деб дўстларим  
Таъна қилар? Нетай мен?

Совуш бермайди менга,  
Ёқиб кетганинг олов.  
Нетай, етмайман сенга,  
Ўртага ташланган ғов.  
Ишққа маскан юрагим,  
Топиб бер, деб қистайди.  
Нима қилай, бераҳм -  
Руҳим сени истайди.<sup>1</sup>

Ҳ.Олимжонни қумсаб, суҳбатларига зор бўлиб яшаш, севиклисига етолмаслигини англаш, буюк ишқ соҳибаси бўлмоқ масъулиятини сезиш-шоиранинг қалбини ларзага солиб, шеър бўлиб туғилган ҳиссиётлар, бу ҳиссиётларнинг поклиги, нозиклиги, ёлқинлиги жуда ҳам таъсирчан қилиб берилган. Умуман олганда, Ҳ.Олимжон хотирасига бағишланган барча шеърларида ана шундай руҳий ҳолатни сезасиз, аммо шу рукндаги барча шеърлари бир-биридан фарқланади, бир-бирига ўхшамаган тарзда

---

<sup>1</sup> Зулфия. Йиллар садоси. Сайланма. -Т., Ўзғур Ёулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 35-бет.



китобхон томонидан қабул қилинади, таассурот уйғотади. Зулфиянинг мазкур шеъри Ҳ.Олимжоннинг сатрларини ёдга туширади:

Қарашларинг тинчимни олиб,  
Чертиб кетди қалбим торини.  
Шундан кейин сездим юракда  
Шунча кучли ўтнинг борини.  
Айтиб бер-чи, шунча севганлар  
Бўлганмикин менча бахтиёр!<sup>2</sup>

Таржимада:

Видно, вправду - воля слабей,  
Если сердце твое - далёко.  
Много-много вокруг друзей,  
Все же я меж них одинока.  
Сердце старым сделалось вдруг,  
Щеки стали серого цвета ...  
За тобою, далекий друг,  
Мои мысли кружат по свету.

Где ты, сердце? Ушло куда?  
Я вослед тебе побежала б!  
Без тебя моя жизнь пуста.  
Столько горьких скопилось жалоб!

Столько слов - перечесть нельзя! -  
Для бесед с тобою всё прячу.  
Упрекают меня друзья,  
Почему я так часто плачу.

---

<sup>2</sup> Камид Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5-томлик. I – том. Шеърлар. –Т., Ёафур Ёулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 216 – б.

Не могу я в себя прийти,  
Жжет меня сокрытое пламя.  
Как найду я к тебе пути?  
Сто преград стоят между нами!

Мне бы, все преграды рубя,  
На тебя взглянуть, ненаглядный!  
... Как мне быть?.. Одного тебя  
Сердце требует беспощадно.

Таржимани оригиналга монандлигини, яқинлигини, тенглигини кўрамиз. Ўша юракдаги соғинч, дардли алам, тугён, ўша буюк муҳаббат ва садоқат. Баъзи бир сўзлар бошқача таржима этилганига қарамай, барибир ўша маънони бермоқда: “сирдош”ни-“далекий друг”, “битди бардош ва тоқат”ни-“я вослед тебе побежала б”, “ўртага ташланган ғов”ни-“сто преград стоят между нами” “Ишққа маскан юрагим топиб бер деб кистайди”ни “мне бы, все преграды рубя, на тебя взглянуть ненаглядный”- тарзида берилишидан қатъий назар.

Ана шундай гўзал, нафис туйғуларни асраб, кўнглидан авайлаб ўтказган таржимон яхши натижаларга эришади. Зулфия ижодидаги садоқат мотивлари нафақат ўз ёрига бағишланган шеърларида кўринади. Зулфия ўз Ватанига, оиласига, севгилисига бўлган садоқати ва муҳаббати унинг ҳар бир шеърида ифодаланган.

“Ўғирлайман қаламинг бир кун!”  
Ҳазилингиз кўчирди жоним  
Нақ яроқсиз қолардай бугун,  
Сирқиради толе, имоним.

Ўғирламанг қаламим бир кун,  
Мени этманг соқов ва чўлоқ.  
Тақинчоғим, анжомим тўкин,  
Бари қўлга, кўзга яқинроқ  
Етар, олманг қаламим бир кун.

Мен Ҳофиздай улашмайман юрт!  
Истеъдодим, қалбим сизларга.  
Яхши номим, бахт-севинчим бут,  
Барчасини берай қизларга...

Қалам-ла мен тўқийман қўшиқ,  
У инсонга, элга хизматим.  
Бурчин бекам адо этган йўқ,  
Қарзим узар икки фарзандим.  
Фарзанд меҳри ва қаламимни  
Худо ҳаққи, қўйинг ўзимга.  
Усиз қолсам, ўлди деб мани  
Секин парда тортинг юзимга...  
Ўғирламанг қаламим бир кун...<sup>1</sup>

Ҳа, Зулфия ўз ижодига, шеърятига жуда содиқ эди. Шоира шеърятсиз “нақ яроқсиз”, “соқов ва чўлоқ”, “усиз қолсам, ўлди деб мани, секин парда тортинг юзимга...” деб ҳайқиради. Севимли ижоди учун у барча “тақинчоқ”, “анжом”, “кўзга яқинроқ” ҳамма нарсани беришга тайёр. “Юрагимдан узайин парча ва келтириб шам деб тутайин”, “Гар

---

<sup>1</sup> Зулфия. Хаёллар, туйғулар. –Т., Ёшлар Ёшлари номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 95-бет.

пахтадан тўлмаса режа сочларимни берайин кўшиб”, “Сизга ором бермаса кеча,олинг мендан! Мен бедор жўшиб” деб ёзади. Биргина “қалами” учун у ўз номини, “бахт-севгисини” қизларга беришга тайёр. Агар эл хизматини тўла адо этолмаган бўлса, қолган қарзини икки фарзанди узишга ишонч ҳосил қилмоқда. Шеърияти, ижоди унга ҳаёт бахш этувчи зарра, томирига кон югуртирувчи, нафас олишга ундовчи, яшашга чорловчи бир кучдир.У шеърияти билан тирик, тинч. Ана шундай ижодга, шеърятга бўлган муносабатни С.Евсеева рус китобхонига қандай бера олганлигини кўриб ўтамиз. Таржимон шеър ҳажмини тўлалигича сақлаган. Шеърдаги шоиранинг ўтинчи, “қаламидан” маҳрум бўлишидан кўрқизи, бор-йўғини беришга рози эканлигини таржимон акс эттира олган. Лекин оригиналдаги ҳарорат ва ҳиссиётларнинг жўшқинлиги саёзроқ чиққан. Оригиналдаги бор маъно биргина сўз билан таржимада бошқа маънони келтириб чиқаради. Бу ерда таржимон, албатта, эркинликка йўл қўйган, (бу унинг ҳаққи) лекин бор маънони ўзгартириб бериш, бизнингча, нотўғри. Биз таҳлилимизда моҳир саналмиш таржимонларнинг ютуқ ва камчиликларини топишга уринганда, салгина уларга ҳурматсизлик, ёки билимдонлик қилаётгандай кўринишимиз мумкин. Аммо, фан ва санъат ҳамиша тараққий этар экан вақт, ўтган сайин ҳар қандай шеър ва таржиманинг қабул қилиниши ҳар хил бўлади. Шу нуқтаи назардан “Не лишайте меня вы пера ...” таржимасига қулоқ солинг:

“Я тебя отлучу от пера!”

Вы сегодня жестокий шутник.

И бывает: со словом игра

Нас порою заводит в тупик.

Не лишайте меня вы пера,

Без него я с подбитым крылом.  
Здесь достаточно в доме добра,  
Если нужно-берите добром,  
Не лишайте меня пера...

Пусть расскажет родной мой язык  
О делах мастеров и творцов!  
Здесь перо мое-их проводник  
От Республики в Мир языков.  
Не лишайте меня вы пера!

Если в сердце его мой закат  
Вдруг однажды нацелит стрелу,  
Дети песню к восходу продлят  
И допишут живую строку.

Боже мой! Без пера жизни нет!  
Так любви нет моей без детей.  
Пусть перо мое будет при мне  
Ясным светом открытых очей,  
Не лишайте меня вы пера!<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, таржимон сўзларни сўзма-сўз таржима килмасдан, тамоман бошқа сўзлар орқали оригиналнинг маъносига яқин келган. Зулфиядаги шеърият эвазига бериладиган қатор “бойликларни” умумлаштириб, биргина сўз билан ифода этган. Шу тариқа таржима сал юзаки бўлиб чиққан. Жумладан, учинчи банддаги “Истеъдодим, қалбим, яхши номим, бахт-севинчим”ни таржимон “Отдаю вам всё, что жизнь

моему придавало перу”, ёки “Сочларимни берайин кўшиб”ни – “так берите ж сноровку мою”, “Сизга ором бермаса кеча”-“Песню нужную людям спою” тарзида берган.

Қалам-ла мен тўқийман кўшиқ,  
У-инсонга, элга хизматим.  
Бурчин бекам адо этган йўқ,  
Қарзим узар икки фарзандим.

Мана шу тўртликда шоира ўз халқига қилаётган ишининг ҳисоботини бераётгандай. Унинг “Қалам-ла тузилаётган кўшиғи” халқи учун қилаётган хизмати, бурчидир. Шу хизматини, бурчини охиригача адо этолмаса, унинг икки фарзанди (онасига муносиб фарзандлари) қарзини узади. Ана шу шоиранинг дил сўзларини айнан худди ўзидек ўгириш таржимоннинг вазифаси, бурчи. Таржимада эса бу ҳол ўзгача:

Если в сердце его мой закат  
Вдруг однажды нацелит стрелу,

Дети песню к восходу продлят  
И допишут живую строку.

Охирги банддаги “Худо ҳаққи” сўзини таржимон “Боже мой!” деб таржима қилган. “Боже мой” сўзини “Ради бога” тарзида берганда таржимадаги сохталик йўқолган бўларди. Кейин шоира “фарзанд меҳри ва қалами”сиз яшай олмаслигини, “Усиз қолсам, ўлди деб мани, секин парда тортинг юзимга” деб илтижо қияпти, ёлворяпти. Таржимада эса:

“Пусть перо мое будет при мне  
Ясным светом открытых очей” -

тарзида жарангламоқдаки, бу ҳам таржиманинг қиёмига етмаганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Зулфия ҳалол меҳнати, қаламининг кучи билан ўзига чинакам бахт яратди ва мангу ҳайкал қолдирди.

Зеро, у кишининг ижоди ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Зулфия қайси даврда яшамасин, ижод қилмасин, у ҳамма вақт ўз овозига эга эди. Ҳар бир шеърида у халқига, Ватанига, шеъриятга содиқ қолди ва шунга хизмат қилди. Ана шу хизматнинг барча поэтик манзараларини бериш, уни рус китобхонига оҳарини кетказмай етказиш, яъни рус тилида Зулфия шеърлари орқали ўзбек аёли қалбини кашф этиш - ХХІ аср таржима мактабининг вазифасидир. Ва бу вазифа қанчалик бадий чуқур, гўзал бажарилса, у ўзбек ва рус китобхонлари ўртасида маънавий “кўприк” бўлиб, барчани шунчалик комил инсонийлик руҳида тарбиялайверади.

## ХУЛОСА

1.Зулфия асарларининг рус тилга таржималари хусусида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таржимонлар шоира асарларининг сараларини топишда хато қилмаганлар. Айниқса, Зулфия лирикасининг шоҳ асарларини – садоқат ва вафо, алам ва соғинч, орзу ва умид каби инсоний кечинмаларни қабарикли тасвирловчи, энг гўзал шеърларини таржима қилганлар. Булар: “Баҳор келди, сени сўроқлаб”, “Не балоға этдинг мубтало”, “Сенсиз”, “Ҳайкал”, “Кўрганмидинг кўзларимда ёш”, “Ўрик гуллаганда” ва ш.к.

2.Зулфия лирикасидаги миллий рух, ўзбек аёли характери ва калбидаги ҳукмрон туйғулар, айниқса, К.Симонов (“Зацвел урюк”), Ю.Нейманнинг баъзи (“Где ты, мое сердце?”) таржималарида яққол ифодаланган. Аслиятдаги “ўзлик” - таржимада ҳам яхлит, бирбутун чиққан.

3.Лекин кўпчилик таржимонлар (жумладан, М.Алигер, С.Сомова, Н.Гребнев, Р.Казакова, С.Евсеева) ижодида аслиятга хос бўлмаган, асар мазмуни ва руҳига мос келмаган фикрлар ифода қилинган. Зулфия лирик қаҳрамонига хос ўзбеконалик – ибo, назокат, майинлик, хаё каби кўплаб фазилатлар кашф этилмаганлиги сабабли, улар таржимада русларга хос тарзда (Биргина мисол. “Сенсиз”даги “Маяюс тақдирингга яшаб мен шерик” сатри “Связанным нераздельно чёрной твоей судьбой” тарзида ўгрилади. Ҳолбуки, севган кишисининг тақдирини – қора тақдир деб айтиш ўзбек аёлига бегонадир) ўгирилган. Демак, Зулфия ижоди, айниқса, унинг лирикасидаги “ўзлик” ва “ўзбеконалик”ни борлиғича рус китобхонига етказиш бугуннинг, келажакнинг вазифасидир. Бу вазифа уддалансагина, XX аср ўзбек шеърятининг юлдузларидан бири – Зулфиянинг шоиралик дунёси бутун латофати ва гўзаллиги билан бўй



кўрсатади. Ўшанда у рус китобхони, халқи қалбини эгаллайди. Бу ўз навбатида таржимонларнинг маҳоратига боғлиқдир.

4.Зулфиянинг мутаржимлик санъати унинг бадиий маҳоратини оширганидек («А.С.Пушкин ва Н.А.Некрасов Зулфия таржимасида» рисоламизга қаранг!), унинг асарлари таржималари рус китобхонларининг қалбини садоқат ва вафодорлик каби инсоний туйғулар билан бойитди (мазкур рисолага қаранг!); комил инсонлар дунёсини яратиш ишига бебаҳо ҳисса қўшди; икки халқ ўртасидаги одамийлик ришталарига бадиий “озик” (“қон”) берди. Бу жараён абадиятга даҳлдорлиги билан қимматлидир.

## М У Н Д А Р И Ж А:

Кириш.....	3
1-Фасл. Шоира шахси ва шеърият.....	5
2-Фасл. Шоира поэтик руҳияти таржима қилинганда.....	13
Хулоса.....	40

Гўзал Умурова Зулфия ижоди ва рус адабиёти

Р и с о л а

Муҳаррир: Г.Раҳимова

Техник муҳаррир: С.Нурматова

Мусахҳик: Э.Қулахмедов

15.08.20.06 йилда босма рухсат этилди. Буюртма №96 Ҳажми 3,0б.т.  
Қоғоз бичими 60 X 84 1/32. Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда